

**ЎН БИР АҲМАД ЗИЁРАТГОҲИ**

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий  
ходими: Комилова З*

Мамлакатимизда мустақилликка эришганидан сўнг миллий ва диний кадриятларимиз қайта тикланди. Унинг боробарида юртимизда яшаб ўтган азиз авлиёларнинг қўним топган муқаддас қадамжойлар зиёратгоҳларга айланди.. Ана шундай табаррук жойлардан бири Наманган вилояти Давлатобод тумани Ғирвон қишлоғида жойлашган асрлар довомида эзгу ният эгаларининг азиз зиёратгоҳига айланган “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳидир. Ушбу қадамжой қишлоқнинг Шимолий томонида, Шимолий Фарғона каналининг кунчиқар ёқасидаги катта боғнинг юқори қисмига жойлашган. “Ўн бир Аҳмад” дейилганда, ўн битта авлиё Аҳмад боболарнинг бири тушуниланган. Лекин уларнинг қайси бири, қачон бу ерга дафн этилганлиги маълум эмас. Ривоятларга қараганда, бу жойнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Инсоният руҳий оламининг буюк устунларидан бири-Хожа Аҳмад Яссавий зотларидир. Улуғ шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий бу зот ҳақида шундай деган эди: “Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон Мулкининг шайхул-машойихидур. Мақомати олий ва машхур, каромати матоволий ва номахсур эрмиш. Мурид ва асхоб хоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ихлос остонида ниҳоятсиз эмиш”.

Ушбу зиёратгоҳ жуда қадимий бўлиб, бу ҳақида ҳалигача тўлиқ маълумот тўпланган эмас. Кекса отахонларнинг фикрича, Ғирвон қишлоғида бир тепалик бўлиб, унинг орқасида катта текислик, сайхонлик бор экан. Текислик ўртасида бир туп азим чинор яшнаб турар, тагида эса тиниқ булоқ суви отилиб турар экан<sup>105</sup>. Ўтган кетган йўловчилар булоқ сувидан ичиб, чанқоқларини босишар, чинор соясида дам олиб, сўнг яна йўлларида давом этишар экан. Иттифоқо, уч мусофир шу ердан ўтаётиб булоққа кўзлари тушибди. Булоқ бўйида бир қария намоз ўқиб ўтирган эмиш. Мусофирлар сувдан ичишибди, сўнг таҳорат олиб намоз ўқишга киришибдилар. Ҳалиги қария намозини ўқиб бўлгач, тиловат қила бошлабди. Унинг ширали овози, гўзал қироати ҳалиги мусофирларни сеҳрлаб қўйибди. Ҳаттоки, бу ерга қаерлардандир қушлар учиб келибди. Бу орада ёмғир ҳам савалай бошлабди. Қироат тугагач ёмғир тинибди. Уч мусофир у киши олдига келиб, одоб билан салом бериб, бу ерда ёлғиз ўтирганлиги сабабини сўрашибди. Қария бир хўрсиниб ҳикоясини бошлабди. Биродарларим, менинг ичим тўла ғам: мен бахти қаро одам бўлиб, ўнта акамдан айрилганман, - деб кўзларидан шашқатор ёш оқибди. Мен Аҳмад Яссавийнинг инилари бўламан. Ўнта акам оламдан ўтиб, бу ёруғ дунёда якка ўзим қолдим. Менинг ҳам куним битганга ўхшайди. Сизлар пайқамдингиз, Куръон ўқиётганимда Азроил

Алайҳиссалом ёнимда турдилар. Қуръони Карим оятлари тугагач, улар ғойиб бўлаётиб, қулоғимга “акаларинг сени чақиришяпти” - деб пичирладилар. Мусофирлар бениҳоя ҳайрон бўлишди. Унинг табаррук зотга қондош эканлигини эшитиб меҳрлари товланибди. Шу пайт осмонни қора булут қоплабди. Кўкда пайдо бўлган қушлар безовталаниб, чарх ура бошлайдилар. Шарқираб отилиб турган булоқ суви ҳам таққа тўхтабди. Мусофирлар бу ҳолга ҳанг-манг бўлиб, оғизлари очилиб қолибди. Бунинг сабабини қариядан сўрабдилар. Қария қуйидагича жавоб берибди: “Менинг ажалим етди. Булар шунга ишора. Кетар чоғимда сизларга бир гап айтмоқчиман. Келажак ҳаётингиздан башорат қиламан, токи мени унутмангизлар”. Кейин биринчи мусофирга юзланиб, “Сиз жуда бойиб кетасиз, фақат ҳалол бўлинг”, иккинчисига “Сиз катта савдогар бўласиз, аммо еҳтиёт бўлинг”, учинчисига еса, “Сенинг омадинг фарзандларинг вояга етгандан кейин келади, лекин кичкина фарзандинг бебош бўлиб ўсади, жоловини қаттиқ ушла”, - деб тайинлабди. Сўнгра калимаи шаҳодатни келтириб осонгина жон берибди. Буни қарангки, осмон ёришиб кўёш чарақлаб кетибди. Булоқдан ҳам шилдираб сув чиқа бошлабди. Бир неча дақиқа ичида юз берган ҳодисадан қотиб қолган мусофирлар ақл-хушларини йиғиб олишибди<sup>107</sup>. Қарияни ювиб, кафанлаб, чинордан нарироққа дафн қилиб, йўлларида давом этишибди. Улар Аллоҳга яқин бу қарияни ўла-ўлгунча эсдан чиқаришмабди. Йиллар ўтиб, унинг башоратлари ҳақиқатга айланганда яна Қуръон тиловат қилиб, руҳини шодлантиришибди. Шундай қилиб, мазкур қабристон “Ўн бир Аҳмад” номини олган экан.

Яна бир ривоятда эса қуйидагича ҳикоя қилинади: Қадим замонда Ўн битта ака-укалар бўлган экан. Улар ниҳоятда бир-биридан иймон-эътиқодли, билимли, комил инсонлар экан. Ака-укалар мусулмончилик фарзини адо этиш учун ҳаж сафарига отланишибди. Каъбатуллоҳга боришиб, уни тавоф қилиб ҳожилик мақомига эришиб орқага қайтаётганда бир сўлим жойда тўхташибди. Дам олиб бўлиб қарашса, бир инилари йўқ эмиш. У ёқ бу ёққа зир югуриб чақириб, қидиришибди, топилмабди. Кўкка учганми, ерга кирганми, билолмай қаттиқ қайғуришибди. Иложсиз яна йўлда давом этишибди. Чарчаб толиқиб бир салқин жойга дам олишга ўтиришибди. Кўзлари кетиб қолибди. Уйғонишса, ораларидан бир киши яна йўқ. Чор атрофни қидириб топа олишмабди. Мотам зада бўлиб, йўлга тушибдилар. Шу тариқа ўнта ака-ука сирли равишда ғойиб бўлибдилар. Энг охириги ўн биринчи ини юра-юра ҳориб чарчаб, бир дарахт тагига ўтириб озгина нафас ростламоқчи бўлибди. Кейин Қуръон оятларидан тиловат қилибди. Худди шу пайт ўтирган ўрнидан йўқолиб қолибди. Бу ўн биринчи инини узокдан бир чўпон кузатиб турган экан. Бут-бутун одамнинг кўз олдида ғойиб бўлганидан кўрқиб кетибди. Югуриб борибди. Ўн биринчи ини ҳассасини суқиб

қўйган жойдан анвойи гуллар, дарахтлар ўсиб чиқибди. Кейинчалик чўпон бу ернинг ўзига хос ҳислати бор эканлигини билиб, кўрғон қилиб ўраб қўйган эмиш.

Ул зотнинг қабри собиқ иттифоқ мафкураси заминиди “адашганлар” томонидан бузиб юборилган эди. Лекин асл нусхаси сақланган Мустақилликдан сўнг қабр шакли қайта тикланиб, таъмирланади. Бу ишга Ғирвон қишлоқ фуқоролар йиғини фаоллари бош-қош бўлишди. Қаровсиз қолган мақбара тикланди. Шарқона гумбаз шаклидаги бино нақшлар билан сайқалланди. Мақбара ичида нақшлар уста А.Абдураимов, Ж.Шахобиддиновлар томонидан ишланган. Мақбара гумбази теварагида ўзбек ва араб ёзувларида катта ҳарфлар билан “Ўн бир Аҳмад мақбараси”, деб ёзиб қўйилган. Унинг ичида авлиё отанинг рамзий қабрлари кўтарилиб, устига мато ёпиб қўйилган.

Мазкур “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи икки босқичда қайта таъмирланган. Биринчи босқичдаги таъмирланиш ишлари 2013 йилнинг январ ойида бошланиб, март ойида тугатилган. Иккинчи босқичдаги таъмирланиш ишлари эса 2014 йилнинг январ ойида бошланиб июл ойида тугатилган. “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳида таъмирланиш ишлари тугатилиб, ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мақбара баландиги 18 метр, эни 12.5 метрни ташкил этади. Мақбара гумбази алоҳида мовий рангда. Оқин сув ҳам, оқава сув ҳам серобдир. Ҳавоси ёқимли бўлиб, у кишиларга ором бахш этади. Мақбара атрофи дарахтзор, гулзор бўлиб, у чин маънодаги сайлгоҳ ҳамдир. Зиёратгоҳ шарқона айвонлар, нақшинкор устунлари билан инсонларни ўзига мафтун этади. Ушбу зиёратгоҳ вилоят маданий мерос агентлиги ҳисобига ўтказилган. Табаррук қадамжой тўғрисида ғирвонлик олимлар филология фанлари номзоди Турсунбой Нўъмоновнинг “Ўн бир Аҳмад зиёратгоҳи” номли рисолаларида кенг маълумотлар берилган. Хуллас, ушбу азиз даргоҳ эл назарига тушган табаррук қадамжойлардан. Истиқлол шарофати билан бугун “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи зиёратчилар билан гавжум.